O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 14-iyun • Payshanba • 70 (27.715) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«СПОРТ МАЛИКАСИ — 2007»

РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИДА ТАЭКВОНДО (WTF) БЎЙИЧА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРИ, ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ ДИЛОБАР САЙДУЛЛАЕВА БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ БЎЛДИ

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда соғлом оилани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада аҳоли, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

10-13 июнь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Шарқ яккакурашлари маркази билан ҳамкорликда анъанавий «Спорт маликаси — 2007» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда спортнинг у-шу, каратэ, таэквондо, кикбоксинг сингари турлари бўйича энг юксак натижаларга эришган ва тадбирнинг қуйи босқичларида ғолиб чиққан қизлар ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловда спортчи қизларнинг миллий ва спорт либослари намойиши, уй-рўзғор юмушлари, пазандалик ҳамда рақс санъати каби етти шарт бўйича маҳорати синовдан ўтказилди. Якунда барча шартларни қойилмақом этиб бажарган пойтахтлик Дилобар Сайдуллаева иккинчи бор ўтказилган «Спорт маликаси — 2007» Республика кўрик-танловининг ғолиби деб топилди. У бош соврин — Гран-при, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Бундай юксак шарафга сазовор бўламан, деб ўйламагандим, — дейди кўрик-танлов ғолиби Дилобар Сайдуллаева. — Ўн бир йилдан бери таэквондо (WTF) билан шуғулланаман. Тўрт карра Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритганман. 2005 йилда ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтган Осиё биринчилигида совриндор бўлгандим. Кўрик-танловдаги эътироф кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Ниятим юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, келаси йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишдир. Худо хоҳласа, албатта, орзуимга эришаман.

Танловда у-шу бўйича спорт устаси, халқаро мусобақалар совриндори Юлия Сафина биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, тадбир якунида кикбоксчи наманганлик Наргиза Боқиева — «Энг иродали иштирокчи», кикбокс бўйича Осиё ва Жаҳон чемпиони Шахноза Хўжаниёзова (Хоразм) — «Мухлислар меҳрини қозонган қатнашчи», у-шу бўйича мамлакат чемпиони Зуҳра Мадалиева (Тошкент) — «Энг жозибали иштирокчи», каратэ бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиби пойтахтлик Зумрадхон Тазетдинова — «Энг назокатли иштирокчи» ҳамда таэквондо бўйича халқаро турнирлар совриндори Нодира Казакова (Қорақалпоғистон) — «Энг назокатли қатнашчи» номинациялари ғолиби, деб топилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова қатнашди.

(Ўз мухбиримиз)



ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА



Пойтахтимиздаги «Spentex Tashkent Toytepa» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси йилига 57 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирги кунда бу ерда 4,5 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши маҳсулотимиз сифатли ва рақобатбардош бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди бош директор Сантош Кумар Жейн. — Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда. Айни пайтда бу ерда қўшимча ускуналар ўрнатилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ортди.

Шунингдек, корхонада тўқув ишлари ҳам йўлга қўйилиш арафасида.



Суратларда: қадоқловчи Розия Жабборова; (ўнгдан) йигирув цехи бошлиғи Хайрулло Искандаров, лаборатория бошлиғи Алишер Тоиров ва ҳиндистонлик мутахассис Лажарам Верма; кириш дарвозаси; корхона цехида.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) ва Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Газетада босилмади, аммо...

«КОМИССИЯ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ»

Таҳририятга Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати тушган эди. Унда ёзилишича, уларга 2003 йили уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилган, лекин сув чиқариш қийин ва тошлоқ бўлгани боис ерни олишдан бош тортишган. Шундан кейин мутасаддилар томонидан уларга бошқа жойдан ер бериш ваъда қилинган бўлса-да, бугунги кунгача бу масала ҳал бўлмаган.

Ушбу шикоят вилоят ҳокимлиги эътиборига ҳавола этилган эди. Яқинда жавоб хати олдик.

«...Аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам аризада кўрсатиб ўтилган Қапчуғай қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 34 нафар фуқароларга 2003 йилда Повулғон қишлоғининг Фарғона — Қўқон автомобиль йўли ёқасидаги 418-контурдан уй-жой қуриш учун 0.10 гектардан ер майдони ажратилган. Лекин фуқаролар сув танқислиги ва тошлоқ ер эканлигини сабаб қилиб кўрсатишиб, ер олишдан бош тортишган.

Ҳозирда ушбу фуқароларнинг талабини қондириш мақсадида барча имкониятларни ишга солган ҳолда вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри томонидан шу ҳудудда вақтинчалик давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта-ғалла экинлари билан банд бўлган ер майдонлари ўрганиб чиқилиб, Олтиариқ тумани ҳокимлигига таклиф киритилди.

Ушбу таклиф асосида вақтинчалик қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлган ер майдонларидан ҳосил йиғиштириб олинганидан сўнг аризада кўрсатилган 34 нафар фуқаронинг талабини қондириш комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари А.АБДУНАЗАРОВ»

Тақдимот

АСОСИЙ МАҚСАД — СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Куни кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида PAYNET қўшма корхонасининг «Мобил тўловлар технологиясидаги янги тақдимот» мавзуидаги анжумани бўлиб ўтди.

PAYNET компанияси ўз фаолиятини 2006 йилнинг август ойида бошлаган бўлиб, ҳозирги кунгача республикамиз аҳолисидан уяли алоқа, интернет, халқаро телефон ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилиб келмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича мавжуд 600 дан ортиқ тўлов пунктларида МТС ва Билайн уяли алоқа компаниялари мижозлари учун ҳам хизмат кўрсатилмоқда

— Бизнинг компания июнь ойидан бошлаб тўлов қабул қилиш соҳасидаги янгилик — «Paynet Mobile» технологиясини тақдим этмоқда, — дейди компаниянинг маркетинг бўйича директори Музаффар Комилов. — Унинг асосий афзалликларидан бири — бу тизим орқали тўловларни амалга оширишни бошлаш учун уяли телефонга махсус дастур ўрнатилади. Агентдан фақатгина тўлов ҳақида керакли маълумотларни уяли телефонга киритиш ва тўловни GPRS боғланиш орқали PAYNET тизимидан ўтказиш талаб этилади. Тўлов қабул қилувчи хўжалик субъектларида компьютер ва бошқа офис техникаси жиҳозлари бўлиши шарт эмас. Улар ўзларининг қўл телефонлари орқали тўлов қабул қиларишади.

Эътиборлиси, ушбу хизматга талаб ошганлиги боис, тизимнинг қувват даражаси аввалги имкониятларга нисбатан 250 баробар кучайтирилган.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Диққат, янги рукн:

«МЕН 16 ЁШДАМАН»

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай пайтда босиб ўтилган йўлга беихтиёр назар ташланади, қилинган ишлар сарҳисоб этилади. Ўтган қисқа даврда улкан, беқиёс, тарихий ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, одамлар дунёқараши ўзгарди. Ҳаётга, жамиятга муносабат янгиланди. Худди шу аснода янги авлод, мустақиллик йилида туғилган авлод кўзга ташлана бошлади. Қувонарлиси, эндигина 16 ёшга қадам қўяётган истиқлол фарзандлари ўз билими, иқтидорини намоён этиб, ўзбек фарзанди дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келишмоқда.

Биз ушбу янги рукн остида ана шундай болаларнинг ютуқлари, орзу-истакларини ёритиб боришни ният қилдик. Илк қаҳрамонимиз — ёш пианиночилар ўртасидаги халқаро танловлар ғолиби, В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Тамила САЛИМЖОНОВА.

У 1991 йил 9 ноябрда туғилган. Отаси Равшан Салимжонов Тошкент автомобиль ва йўллар институтида, онаси Нигора Усмонова эса лицейда ўқитувчи. Биринчи устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Попович.

— Тамила, эшитишимизча, ёш бўлишингга қарамай чет элларга бориб келишга ҳам улгурибсан, танловларда ҳам ғолиб чиқибсан. Қани айт-чи, қайси мамлакатларда бўлдинг?

— Биринчи марта 2002 йили Италияга бордим. Ёш пианиночиларнинг халқаро танловида иштирок этиб, гран-при соҳиби бўлдим. Ўшанда мени «Ўзбекистонлик ёш пианиночи Тамила Салимжонова» деб таништиришганда жуда ҳаяжонлангандим. Танловда дунёнинг 15 та мамлакатидан келган тенгдошларим қатнашганди. Кейин Бухарестга бориб, «Pro-piand-Romania» танловида мутлақ ғолиб бўлдим. 2004 йили эса Грецияда ташкил этилган танловда махсус диплом билан тақдирландим. Владимир Спиваков халқаро хайрия жамғармасининг (Россия) концерт ва фестиваллари доимий иштирок этаман. Москва консерваториясининг катта зали ва Кремлда ҳам пианино чалганман. Ўшанда одамлар роса қарсак билан олқишлашганди.



— Мана, яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини байрам қиламиз. Мустақиллик тўғрисида нималар биласан?

— Бобом Қувонч Усмонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор. Уларнинг айтишларича, илгарилари ҳозиргидек имкониятлар бўлмаган экан. Иқтидорли ёшларнинг четга чиқиши камдан-кам бўларкан. Фақат мустақиллик туфайли бизга жуда катта шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Синфдошларим ҳам менга ўхшаб халқаро танловларда қатнашяпти.

— Нималарни орзу қилаяпсан, келажакда ким бўлмоқчисан?

— Машҳур пианиночи бўлмоқчиман, ўзбек санъатини дунёга танитмоқчиман. Жаҳоннинг катта саҳналарида ўз концерт дастурларимни намойиш этсам дейман.

Маъмуржон МАҲМУД Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Депутат ва ҳаёт

БЕШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ

САЙЛОВЧИЛАРИ ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан мунтазам учрашиб туришлари йўлга қўйилган. Шунга мувофиқ яқинда Бешкент сайлов округидан сайланган депутат, қуйи палата Спикерининг ўринбосари Машкура Сафоева ўз сайловчилари билан бир неча учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши, Қарши шаҳар ҳокимлиги, Қарши педагогика ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари, Қарши туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, 8-мактаб, «Қовчин» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган мулоқотлар шулар жумласидандир.

Депутат мамлакатимизда ислоҳотлар чуқурлашиб, халқимиз ижтимоий муҳофазаси тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Президентимизнинг ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида қаратаётган эътибори, ёш оилаларга кўрсатаётган ғамхўрлигига сайловчилар диққатини қаратди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, қонун ижодкорлиги ва қонунятувчилик жараёнлари, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши юзасидан олиб борилаётган назорат-таҳлил ишлари тўғрисида тўхталди.

2-бет

ЎзХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигига обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК-нинг барча бўлимларида қабул қилинмоқда.

Газеталаримиз йилнинг охиригача ўз «оёғи» билан уйингизга, ишхонангизга кириб боришини хоҳласангиз, обуна бўлишни унутманг.

Шошилинг, вақт оз қолди, йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна 20 июнга қадар қабул қилинади.

БЕШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ

САЙЛОВЧИЛАРИ ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ҳомийлик тўғрисида», «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги янги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, улар яратиб бераётган имкониятлар хусусида фикр юритди.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли табақалари эҳтиёжлари учун зарур, фоизлари нисбатан кам бўлган истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган, ижтимоий хизматларни (таълим, даволаш ва ҳоказо)нинг кенг тарқалишига қаратилган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу муносабат билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқараётган истеъмол маҳсулотлари ва хизматларни кўрсатишга кенг имкон яратилди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратишга, аҳолининг истеъмол маҳсулотлари ва хизматларга бўлган талаби қондирилишига шароитлар юзага келди. Бу ҳақда депутат батафсил тушунтириш берди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролар ижтимоий сиёсий фаоллигини янада ошириш ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ролини сезиларли даражада ошириш мақсадида қабул қилинганини алоҳида таъкидлади.

Сайловчилар мамлакат парламентидаги ўз вакилларига юртимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар билан боғлиқ, шунингдек, ўзларини қийнаётган айрим масалалар хусусида савол билан мурожаат этдилар. Депутат барча саволларга жавоб қайтарди. Йиғилишда, шунингдек, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси И.Каримова, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Р.Муртазаев ва бошқалар иштирок этдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ



Айни кунларда мамлакатимизнинг кўп жойларида бунёдкорлик ишлари қизғин бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга интилаётган қурувчиларимиз биринкетин бир-биридан муҳташам биноларни фойдаланишга топширишмоқда.



Тошкент туманида фаолият олиб бораётган «Саноаттехмонтажсервис» очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Наврўз» маҳалласида 490 ўринли мактаб қурилишини тезкор суръатлар билан олиб бормоқда.

Ольга Николаевна Маспанова раҳбарлигидаги бунёдкорлар икки қаватли мактаб биносини мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн олти йиллигигача фойдаланишга топширишни мўлжаллашган. Айни пайтда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Ҳозиргача қурилиш ишлари 85 фоиз бажариб бўлинди.



Суратларда: қурилиш прораблари Бобур Музаффаров билан Озодбой Нурматов; мактаб биноси; илғор қурувчилардан Илёс Ниёзқулов ва Ҳасан Тошпўлатов;

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЭНГ ЯХШИ ТАШВИҚОТ

АМАЛИЙ ИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Бу эса бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир партиядошимиз зиммасига катта масъулият юклайди, дейилди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашида ўтказилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидаги навбатдаги машғулотда.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да Ўзбекистон ХДП мафкурасининг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари аҳамияти ҳамда партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуига бағишланган ушбу семинар жонли, ўзаро фикр алмашувлар, саволжавоблар асосида ўтди.

Нозим СУВОНҚУЛОВ, меҳнат фахрийси:

— ...ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темировнинг сўзларини эшитиб, менда савол пайдо бўлди. Туманда 62 та бошланғич партия ташкилоти бор экан, айтинг-чи, улар қандай фаолият кўрсатяяпти, партия етакчиси сифатида уларнинг ишларидан кўнглингиз тўлаяптими?

Бурхон Темиров:

— Бошланғич ташкилотларимизнинг ҳаммаси баробар эмас. Айримларининг ишидан қониқиш мумкин, баъзиларидан кўнгил тўлмайди. Очиғи, бошланғич ташкилотларни партиянинг чинакам таянчига айлантириш учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Чунки, аҳолининг кенг қатламлари, электоратимиз билан алоқаларни ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамлаш уларнинг фаоллигига боғлиқ. Баъзи бошланғич ташкилотларда партиянинг ғоялари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, турли мавзулардаги учрашувлар, ҳар хил тадбирлар уюштиришда ташаббускорлик, ташкилотчилик сезилмаяпти. Буни очиқ тан олиш ва шундан хулоса чиқариш керак.

Ботир УЗОҚОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиалининг етакчи илмий ходими:

— Мен ҳам ЎзХДП аъзосиман. Бу партия бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялашдек хайрли юмушни ўзининг дастурий вазифаларидан, деб белгилади. Шунинг ўзиёқ партиямиз мақсадлари нақадар олижаноб эканлигининг белгисидир. Ўз-ўзидан маълумки, кўпчилик ХДП ўзининг мақсадларини қандай амалга ошириши билан қизиқади. Бундай шароитда бошланғич партия ташкилотлари қуруқ гаплар, ваъдалар билан эмас, балки ўз амалий ишлари билан партия электоратини ташкил қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш учун қатъий ҳаракат қилишлари керак бўлади.

Камол ЙЎЛДОШЕВ, ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгаши тарғибот гуруҳи раҳбари:

— Партиямиз электорати бўлган кам таъминланганлар, вақтинча ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари кун тартибида турибди. Бу борада давлат аҳамиятига молик жуда кўп ишлар ҳам қилинаяпти. Булар яхши, албатта. Бу масалада бошланғич ташкилотларимиз ҳам фаолроқ бўлишларини истардим. Чунки, улар муайян бир ҳудуд, корхона ёки ташкилотни қамраб олади. Ўша жойдаги катта-кичик, оғир-енгил муаммоларни яхши билади ва уларнинг мақбул ечимлари бўйича таклифлар бера олади. Бундан самарали фойдаланса, амалий ишларимиз кўринади. Энг яхши ташвиқот эса авало амалий ишларда намоён бўлади...

Машғулотда бу ердан ташқари яна кўплаб фикрлар билдирилди. Таклифлар ўртага ташланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бошланғич партия ташкилотларида

МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШДА МУҲИМДИР

Лабиҳовуз ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Кўҳна Бухоронинг Жалол Икромий номли маҳалласида жойлашган бу сўлим масканда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда ХДПдан сайланган шаҳар, вилоят кенгашлари депутатлари, туман партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари, қатор маҳалла оқсоқоллари давра суҳбатига тўпландилар. «Маҳалла — оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар маркази» мавзуига бағишланган анжуманни ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева очиб бераркан, қатнашчилар эътиборини айрим масалаларга қаратди.

— Вилоятимизда 528 та маҳалла мавжуд, — деди у. — Уларнинг 231 тасини партиямизнинг фаол аъзолари бўлган оқсоқоллар бошқармоқда. Шуниси қувонарлики, уларнинг аксарияти бошланғич ташкилотларимизнинг раислари ҳам. Электорат орасида олиб бораётган ишларимиз самарадорлиги ҳам маҳалла билан чамбарчас боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, барча муаммолар маҳаллада ўз ечимини топиши мумкин. Бу борада Бухоро шаҳар маҳаллалари кўпроқ ютуқларга эришаяпти назаримизда.

— Халқимизда «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ҳикмат бежиз айтилмаган, — дейди Мухтор Ашрафий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП фаоли Розия Саидова. — Ҳар бир оиладаги қувонч ҳам, ташвиш ҳам маҳаллага аён. Шунинг учун ЎзХДП ўзининг дастурий мақсадларига эришиш, электорат билан ишлаш учун маҳаллани муҳим таянч деб ҳисобламоқда.

Маҳалламизда ўттизга яқин партиямиз аъзоси бор. Улар орасидан энг муносибларини шаҳар ва вилоят Кенгаши депутатлигига сайлаганмиз. Хусусан, вилоят Кенгаши депутати, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Шамшиддинхўжа Сайдаҳмедов, шаҳар Кенгаши депутати, «Заркон» масъулияти чекланган жамияти раиси Раҳим Хўжаевнинг фаолиятидан кўпчилик мамнун. Улар «Ижтимоий ҳимоя йили»да аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Ҳомийлар ҳам, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳам бир маҳаллада яшайди, — дейди Бухоро тиббиёт коллежи ўқитувчиси Моҳидил Очилова. — Фақат улар эзгуликка даъват этилса, бас. Фаоллар, БПТнинг вазифаси бу. Биргина мисол: бизнинг коллеж ҳам маҳаллада жойлашган. «Шаҳбоз — Шаҳром» корхонаси раҳбари, ХДПдан вилоят ва шаҳар кенгашлари депутати Муҳаббат Тешаева аъзочи талабаларимиздан 20 нафарига стипендия таъсис этган. Бундан ташқари, кўплаб кам таъминланган оилалар ва ногиронларга ҳомийлик қилаяпти.

Шунингдек, давра суҳбатида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали лойиҳа раҳбари Бешим Мирзоқулов, «Жўйбор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулсум Мўминова, Вобкент шаҳридаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Амрулла Ҳабибов, партия фаоли Дамир Ёдгоров ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, электорат ижтимоий манфаатларини ўрганишда маҳалланинг ўрни, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашида ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Янгиариқ туман кенгаши Огаҳий маҳалласида «Соғлом онадан — соғлом фарзанд туғилади» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди. Инсон саломатлиги аввало ўз қўлида эканлигини тушунтириш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган бу тадбирда маҳалла хотин-қизлари, фаол аёллар иштирок этди.

Сергели туман кенгаши ёшларнинг ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, уларга оиланинг муқаддаслиги, аждодлардан мерос урф-одат, миллий қадриятларимиз ва бу анъаналарнинг давомийлигини таъминлашга бағишланган тадбир ташкил этди. Тадбир доирасида туман маҳаллаларидаги 33 нафар ёш келин-куёвнинг Зангиота мақбарасига зиёрати ташкил этилди.

Бувайда туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти Янгиқўрғон қишлоғидаги 1-ўрта мактабда қизларни ҳаётга тайёрлашга қаратилган давра суҳбати ўтказди. Тадбирда йиғилганларга муқаддас оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш, қизларни миллий анъаналаримиз асосида тарбия топиши ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш юзасидан маърузалар қилинди.

Ўзбекистон ХДП Нукус туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ақманғит сув тармоқлари корхонаси бош муҳандиси бўлиб ишлаб келаётган Елмурат Алламбергенов Ўзбекистон ХДП Нукус туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Атаулла Асанов туман партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Қисмат

ОТАСИНИ ИЗЛАБ...

ЁКИ ЁВУЗЛИК ҚУРБОНИ БЎЛГАН 19 ЁШЛИ ЙИГИТНИНГ АРМОНЛИ ИЗТИРОБЛАРИ ВА ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН САВОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Юқори Чирчиқ туманида жойлашган Жамбул ва Қизил Ембек қишлоқлари аҳолиси ўртасида 12 февраль куни кечга томон совуқ хабар тарқалди: «Икки қишлоқ оралаб ўтувчи асфальт йўл ёқасидаги ариқдан ёшгина йигитчанинг жасади топилибди», «Аввал пичоқланган, сўнг қуйдирилган, ундан кейин ариққа ташлаб кетилган эмиш», «Ёш боши билан кимга душман бўла қолди экан, шу қадар ваҳшийларча ўлдирилса?..». «Ким экан ўзи у бола?..»

Бундай саволлар нафақат одамлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдида ҳам кўндаланг турарди: тана аёвсиз бир неча бор пичоқланган, бўйин, кўкрак, қорин, ўнг оёқ ва чап болдир қуйдирилган, тана сувга бўктирилган...

1 — *Уни Кавардонга ажал қувиб кетган экан, — деб йиғлайди марҳумнинг онаси Клара Зияева. — Аслида сиқилгани учун овунади, ҳам бехавотирроқ жой деб ўзим юборган эдим...*

Отабекнинг сиқилгани, ўзини қўярга жой тополмай қолгани рост. Ҳали 19 га кириб улгурмаган ўспирин камдан-кам учрайдиган нозик масалага рўбарў келди. Уни қийнаган муаммо инсон ғурури, шаъни, ҳамияти ва ор-номуси — оталик факти билан боғлиқ эди.

— *Мен марҳум Омон Раҳматуллаев билан никоҳсиз яшаганман, — дейди Клара Зияева. — Тошкент вилояти суди судьяси бўлган Омон аканинг 1996 йил қандай ваҳшийларча ўлдириб кетилганидан хабарингиз бордир. Ўхшаш шум тақдирларни қаранг, энди Отабек... Отабек туғилганда (1988 йил) Омон акага гап тегади, хизматига халақит қилиши мумкин, деб келишиб, уни акамнинг номига расмийлаштирган эдик. Буни минг азоб билан унга тушунтирдим. Лекин у улғайган сари отасининг фамилиясини талаб қила бошлади. Охири судга ариза қилишга тўғри келди. 1999 йил Отабекка оталик факти белгиланди. У Раҳматуллаев фамилиясини олди, «Раҳматуллаев Отабек Омон ўғли» деб гувоҳномасига ёзилди.*

Отабек бу фамилияда 7 йил яшади, холос. Ўтган йили 13 июлда О.Раҳматуллаевнинг қонуний оиласи фарзандлари Отабекка нисбатан оталик фактини бекор қилиш тўғрисида берган аризаси фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро суди томонидан қаноатлантирилди. Шундай қилиб, Отабекнинг Раҳматуллаев Омон ўғли эканлиги бекор бўлди.

Биз ушбу нозик масала ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Ҳар кимнинг имон-эътиқоди, виждони билан боғлиқ ўта шахсий иш бу. Қолаверса, энди бу саволга жавоб изламоқнинг аҳамияти ҳам йўқ...

2 Биз ўн гулидан бир гули очилмай, маънавий жиҳатдан оғир зарбага учраган бу йигитчанинг сирли ўлими сабаблари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Унинг ёшида одам келажак режасини тузади, ўқийман дейди, бирор касбни эгаллашни ният қилади. Афсуски, орзу-умидлар ўрнида Отабекнинг қалбини «Омон Раҳматуллаев отам эмасми?, «Унда отам ким бўлган?» каби саволлар эгаллади. Бунинг устига К.Зияеванинг айтишича, кимлардир кечалари қўнғироқ қилиб, «сен Омоннинг ўғли эмассан, онангга айт, биз билан тортишмасин, бўлмаса иккалангни ҳам ўлдириб кетамиз», деб қўрқитишарди.

Отабекнинг ўша пайтдаги аҳволини онаси қуйидагича эслайди:

— *Суд қароридан кейинги унинг аҳволини тасвирлаш қийин. У дод солиб, «айтинг, фақат ростини айтинг, дадам ким бўлган? Омон Раҳматуллаев дадам эмасми?» дея чунонам важоҳат қилдики... Унинг қалбини кемираётган изтиробини тушуниш қийин эмас эди. «Отабек, мен отанг учун 10 йилдан бери Тошкентда ва туғилган юрти Қашқадарёга бориб худойи ўтказиб келаяпман. Биз яшаётган шу уй отангнинг номида, у сени тан олган, суннат тўйингни ўтказган. Акаси Эргаш ака Раҳматуллаев сени неварам, дейди. У оиласи билан никоҳда қолган бўлса-да, аслида биз билан яшаган. Биз вақтида ҳужжат расмийлаштирмаганимиз учун бугун сен азоб чекаяпсан, холос. Кечир», деб йиғладим...*

Айтишларича, кўпчилик далда беришига қарамасдан Отабек узоқ вақт ўзига кела олмаган.

— *У ҳеч қаерга сиғмай қолди, — эслайди она. — Бир куни шартта келиб «она юринг, бу уйдан кетайлик, менга ҳеч нарса керак эмас, фақат тинч яшайлик» деб ялинди, ёлворди, талаб қилди. Нима қилишимни билмай қолдим: «Қаерга борамиз? Ким бизни кутиб турибди? Кимнинг уйига сиғамиз?». Ўйлаб-ўйлаб, балки овунар, эсдан чиқарар, деган ўй билан Юқори Чирчиққа — Кавардон қишлоғига онамнинг олдига юбордим.*

3 Кавардонда у анча ўзига келиб қолади, у-бу ишга овунади. Аммо бу вақтда Тошкентдаги уйда бир-биридан ваҳимали воқеалар юз бера бошлаган эди.

— *25 ноябрда эшигимизга қўлда ёзилган имзосиз хат қистириб кетишибди. Унда мени ва болаларимни катта хавф-хатар қувиб юрганлиги, шунинг учун жуда эҳтиёт бўлишим кераклиги хусусида ёзилган эди, — деб айтади К.Зияева. — Хаёлимга ҳар хил гумонлар келди. Омон аканинг қотиллари ишини фош қилишга ёрдам берган эдим. Яна аллақанча ишлар ўтган... Ростдан шундан сўнг шубҳали қўнғироқлар кўпайди. Шу йил 1 февраль куни эса... Одатда ахлат тўккани кетганимда эшикни қулфламай чиқаман. Ўша куни ҳам шундай бўлди, қайтиб келсам эшик қия очиқ, магнитафон овози баланд. «Магнитафонни қўйганим йўқ эди, балки Отабек келгандир» деган хаёл ўтди. Ичкарига кириб, челакларни жойлаштиришим билан кимдир сочларимдан ушлаб ётоқхонага судрай бошлади. Жон ҳолатда ўзимни ошхонага уриб, қўлидан қутилдим ва дераза ёнига бориб бор овозим билан бақира бошладим. Номаълум одам ўзини эшикка урди...*

Бу воқеа билан Отабекнинг қисмати боғлиқлигини билмадигу, лекин 10 февраль куни кечқурун у «икки соатлардан кейин қайтиб келаман» деб бувисиникидан чиқиб кетганича қайтмаган. 12 февралда эса ариқ ичидан унинг жасади топилган.

Клара Зияевадан таҳририятимизга келган аризани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборган эдик. Юқори Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими (ИИБ)дан олинган хатда маълум қилинишича, юқоридаги қотиллик юзасидан Юқори Чирчиқ тумани прокуратураси жиноят иши қўзғатган (тергов ҳаракатларини бугунги кунда Тошкент шаҳар прокуратураси олиб бормоқда). Шунингдек, хатда фуқароларда ушбу қотиллик жиноятини фош қилувчи бирор бир маълумот бўлса, Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ёки 02 рақамларига қўнғироқ қилиш сўралган. ИИБ телефон рақамлари: 8-370-98-31133; 33700; 31809; 31004.

Хабар берган шахслар ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини ИИБ ўз кафолатига олган.

4

Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Таълим фидойилари

«МАКТАБ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

— ДЕЙДИ ЎЗХДП ФАОЛИ, «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ СОҲИБИ, ОЛИЙ ТОИФАЛИ ЎҚИТУВЧИ ХОСИЯТ ҚОРАЕВА

Ўз касбининг фидойиси, жонкуяр мураббий, юзлаб шогирдларнинг устози, Денов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори Хосият Қораевани ҳамкишлоқлари «профессор опа», деб ҳурмат қилишади. Бу ўзига хос ҳурматнинг белгиси, албатта. Чунки умрининг 51 йилини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган Хосият опа обрў-эътибор ҳамда юксак эътирофларни йиллар давомида қилган тинимсиз меҳнати ортидан топди. Аммо узоқ йиллар машаққатли касбда ишлашнинг ўзига хос қийинчиликларини енгиб ўтиш осонмас. Бу эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «профессор опа»миздан илм ва ҳаёт сирларини ўрганган уч авлод сулоласи бугун ўз устозлари билан елкама-елка баркамол авлод тарбияси йўлида астойдил изланишмоқда.

Хосият муаллим ажойиб раҳбар, меҳрибон ўқитувчи. Бир гектар ҳудудга эга мактабнинг тоза-озодалиги кишининг баҳри-дилини очади. Икки минг тупдан ортиқ арча, 200 тун мевали дарахт, ажойиб иссиқхона, ҳатто мактабнинг ўз томорқаси ҳам бор. Атроф гулзор. Бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам кишини мафтун этувчи гуллар очилиб туради. Шунга ўхшаш манзарани яратиш учун одамдан катта жасорат, матонат талаб этилади. У аёл боши билан бу ишларнинг уддасидан чиқди.

Меҳнатда тобланган қаҳрамонимиз гурунгни минг ифорли гуллар, мустақиллик фарзандларининг келажагидан бошлади.

— Гуллар жону дилим, — дейди Хосият Қораева. — Ҳар йили 50 турдан ортиқ гул экамиз. Йилнинг тўрт фаслида ҳам мактабимиз чаманзор бўлиб туради. Ишни куздан бошлаймиз, денг... Эрта баҳорда уруғ сепилади. Июнь бошланмасдан ёзда, кеч кузда аёзда очиладиган гулларни ерга қадаймиз. Ҳар бир синфнинг ўз тажриба майдони бор. Бундан ўғил-қизларимиз аввало меҳрни ўрганса, иккинчидан уларда меҳнатга, ҳаётга бўлган муносабат ўзгаради.

Бугун республикамиз мактабларида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бундан нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам беҳад қувонишмоқда.

Юртбошимизнинг биз — ўқитувчи ва мураббийларга бўлган меҳр-муҳаббатини ҳар дақиқа ҳис этиб турамиз. Бизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборни қуйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: «Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз». Биздан эса фақат сидқидилдан меҳнат бўлса бас...

Сора Аллаева деган устозимиз бўларди. Раҳматли опадан шижоат, фидойилик, меҳрни ўргандим. Бугун ҳам шунга қатъий риоя қилишга ҳаракат қиламан. Бир иш поёнига етмаса, кўнглим жойига тушмайди.

— Опадан кўп нарсани ўрганса арзийди, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Меҳри Тоғаева. — Директоримиз эртанги кун билан яшайдилар. Кўп йиллардан бери мактабимиз нафақат вилоятда, балки мамлакатимиздаги энг намунали зиё масканларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг замирида эса аввало ҳалол меҳнат ётибди. Яна бир гап. Ҳозирданоқ мактабимиз янги ўқув йилига шай. Балки гапларимга ишонмасангиз ҳам керак.

Бино, синфхоналарни кўздан кечирамиз. Ҳақиқатан ҳам ортиқча гапга ўрин қолмади. Чор-атроф озода. Гард юқмаган жиҳозлар. Гўё бугун янги ўқув йили бошланадигандек. Демак, тартиб-интизом бор жойда ортиқча ташвишга ҳожат қолмас экан.

— У кишининг «чарчадим», деганларини ҳеч эшитмаганман, — суҳбатни давом эттиради Меҳри Тоғаева. — Ҳар куни эрталаб соат етти бўлмай ишга келадилар. Дарс бошлангандан сўнг синфхоналарни бирма-бир кўздан кечирадилар. Ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда даромад топаяпмиз. Ўтган йили мактабимиздаги иссиқхонадан бир тоннага яқин лимон сотдик. Бундан ташқари, мактаб томорқасидан йилига 2-3 миллион сўмгача фойда келади. Хуллас кам бўлмаяпмиз.

— Хосият опа раҳбарлик қилаётган мактаб «Йил мактаби» кўрик-танловларининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳайдар Сувонов. — 20 йилдан бери ушбу илм маскани давлат томонидан ажратилган бюджетдан эмас, бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан қўшимча хоналар қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа ишларни амалга оширмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги уч йилда ажойиб спорт майдончаси, ҳарбий шаҳарча, йўл ҳаракати майдони вужудга келди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун дарслик, кийим-бош олиб беришади. Бундан ўн йил аввал мактаб қошида оромгоҳ ҳам ташкил этилганди. Бу йил оромгоҳда 50 нафар ўқувчи мириқиб дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Хосият опа ана шундай хайрли ишларнинг ташаббускори, эзгу юмушлар сарбони бўлиб келаётир...

— Мактаб — менинг ҳаётим, — дейди Хосият опа мамнуният билан. — Шогирдларим, ўқувчиларимдан ўзимни айро тасаввур қилолмайман...

Унинг ушбу дил сўзларида самимийлик, меҳр, ўз касбига садоқат, мустақилликдан шукроналик туйғулари сезилиб турарди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЗЛАНИШ ВА ТАЖРИБА ТУФАЙЛИ

ШАҲРИСАБЗЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ЙИЛ САЙИН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШМОҚДА

Пиллачилик соҳасида Шаҳрисабз туманида ўзига хос тажриба бор. Қурт уруғи очиладиган корхона ҳам шу жойда эканлиги бежиз эмас. Японияндан келтирилган энг серунум дастгоҳлар ўрнатилган Шаҳрисабз пиллакашлик корхонаси воҳада ягона. Бугунги кунда ҳиндистонлик ҳамкорлар билан биргаликда бу корхона замон талабларига мослаштирилмоқда.

— Биласизки, пилла нозик маҳсулот, — дейди Шаҳрисабз туман пилла идораси бошлиғи Алижон Тиллаев. — Қурт уруғини очирамиз, пиллакорлар билан келишамиз, тайёр маҳсулотга дастлабки ишловни берамиз, бироқ харидор топилмаса нима бўлади? Ҳукуматимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли кўп муаммолар ўз ечимини топмоқда, пиллачилик ривожланмоқда.

Ҳозир астойдил изланган, ишнинг кўзини билган ютади. Чунки, илгарилари звенолар тузилар, фойда-зиён хўжаликнинг бўйнида эди. Энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Мисол учун идорамиз 1700 фермер хўжалиги билан шартнома тузган. Икки тараф ҳам ўз зиммасидаги талаб ва шартларни бажарди. Натижа яхши бўлди. Туман бўйича ҳар қути қуртдан 55-56 килограммдан пилла тушди. Очиғи, бу йилги уруғ ниҳоятда яхши экан.

Шаҳрисабзлик пиллакорлар эришган бу катта муваффақият хусусида Қашқадарё вилоят пилла акциядорлик бирлашмаси раҳбари Исроил Эшнаев шундай дейди:

— Бу йил вилоят бўйича 2500 тонна пилла етиштирилган бўлса, шунинг 422 тоннаси шаҳрисабзликлар ҳисобига тўғри келди. Тўғри, Китоб, Яккабоғ, Қарши туманларида ҳам ҳосил яхши. Лекин қадим кешликлар хирмони кўпроқ тош босди. Агар бу йил 53 минг қути қурт уруғи тарқатилган бўлса, шундан 30 минг қутиси Хитойники. Рости, бу йил пилла йили бўлди. Ҳатто Ғузор ва Нишон туманларида ҳам мўл ҳосил олинди.

Бу йилги ютуқнинг биринчи омили — Шаҳрисабз иқлими. Олайлик, 70-80 фоиз пиллакор қурт парваришини иккинчи даҳага киритганида, Ҳисор тизма тоғлари бағридаги қишлоқларда энди қурт уруғи тарқатила бошланади. Негаки, бу жойлар анча салқин. Демак, туман табиати қурт боқиш учун ниҳоятда қулай. Иккинчи омил — озуқа манбаи. Айни пайтда туманда 1017 гектар тут плантацияси ва 176 минг туп баланд бўйли тутлар мавжуд. Бу йил 36 гектар майдонда серҳосил янги тутзорлар барпо этилди.

Воҳада ўтган йилгидан 250 тонна кўп пилла етиштирилган экан, бунинг катта қисми шаҳрисабзликлар улуши. Баъзи муаммолар ҳам туғилаяпти. Маълумки, тутзорлар ҳам фермерларга бўлиб берилди. Бугун суғориладиган ер ва тутзорнинг солиғи тенг эмас. Чунки пахта, ғалла, сабзавот эккан ёки мевазор, узумзорга эга фермернинг даромади кўп. Тутзорга эгалик қилаётган фермер эса етиштирган баргни сотади, эпласа, оралиқ экин экади. Бир сўз билан айтганда, мамлакат пиллачилигининг истиқболи тутзорлар сақланиши, серҳосил тут навлари ўстирилишига чамбарчас боғлиқ. Шу жумладан, пиллакорларнинг тажрибасига ҳам. Демак, келгусида ҳам воҳа ва Шаҳрисабз тумани пиллакорлари нукрадек пилла етиштиришда пешқадамликни қўлдан бермайди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

«УРГУТ МУРУВВАТ УЙИ»

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ургут туманидаги «Ургут Муруввот уйи» биносини капитал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: **Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Навоий ж/х, Гулистон қўрғони, телефон: (8366) 261-04-55.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел.: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилганидан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 18.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ОЛИЙ РАДА ФАОЛИЯТИ

ТЎХТАТИЛИШИ ТАЛАБ ҚИЛИНДИ

Украина президенти Олий Рада спикеридан парламент фаолиятини тўхтатишни талаб қилди.

Маълумки, шу ой бошларида президент Виктор Юшченко, бош вазир Виктор Янукович ва Олий Рада спикери Александр Мороз жорий йил 30 сентябрда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилиши ҳақида келишиб олишгач, президент бу ҳақда фармон қабул қилган эди. Шундан сўнг, мухолифатдаги Юлия Тимошенко блокининг 129 нафар депутати, «Наша Украина» партиясининг эса 66 депутати депутатлик мандатини тугатганлигини эълон қилган. Бироқ, парламент кўпчилигини ташкил этувчи парламент-ҳукумат коалицияси Олий Радада ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Улар мухолифатчилардан депутатлик мандати тугатилганлигини ҳар бир депутатнинг ўзи шахсан тасдиқлашини талаб қилишмоқда. «УНИАН» ахборот агентлигининг маълум қилишича, шу кунгача спикерга 50 нафар депутат депутатлик мақомини бекор қилинишини сўраб ариза берган холос.

СОБИҚ БОШ ВАЗИР

ВАТАНИГА ҚАЙТИШИ МУМКИН

Таиландниг собиқ бош вазири Таксин Чинаватга ўз ватанига қайтиш ва ўзига нисбатан эълон қилинган айбловлардан судда ўзини ҳимоя қилиш имкони берилди. Муваққат ҳукумат раҳбари Сураюд Чуланоннинг айтишича, Чинават ҳарбий хунтанинг рухсатини кутиб ўтириши шарт эмас, у Таиландга келиб, антикоррупция комиссияси эълон қилган айбловлар нечоғли тўғри ёки нотўғрилигини исботлаши лозим.

Маълумки, — дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида, — комиссия унинг ҳисоб-рақамидаги 1,5 миллиард долларни «музлатиб» қўйган.

Эслатиб ўтамиз: 2006 йил 20 сентябрда ҳарбийлар Банкоқдаги ҳукумат биносини эгаллаб олиб, бош вазир истеъфога чиқарилганини эълон қилган эди. Ўшанда бош вазир Таксин Чинават хорижда эди ва ҳалиям ватанига қайтгани йўқ.

2006 йил октябрда Таиландда муваққат фуқаролик ҳукумати ташкил этилди, лекин ҳарбий хунта Миллий хавфсизлик кенгаши сифатида ҳукумат таркибида қолди.

ҲАЙВОНЛАРГА ҚАРШИ

КУРАШГА АРМИЯНИ ЖАЛБ ЭТМОҚЧИ

Кейинги йилларда Япония қишлоқ хўжалиги ва аҳоли пунктлари ёввойи ҳайвонлар босқинидан анчагина зарар кўрмоқда. Муаммони ҳал этиш долзарб бўлиб турибди. Ҳукмрон партия вакиллари ёввойи ҳайвонларга қарши курашнинг бир неча усулларини ишлаб чиқдилар. Шулардан бири бу курашга армияни жалб этиш масаласидир.

«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришига қараганда, ташаббускор гуруҳ айнан армиягина фермерлар экинларини пайҳон қилаётган ёввойи тўнғиз, айиқ ва маймунларга қарши самарали кураш олиб бора олади, деган фикрни илгари сурмоқда. Экинзорлар атрофини тўсиқлар билан ўраш ва қопқонлар қўйишдан ташқари, ўқотар қуроллардан фойдаланиш мумкинлигини ҳам таъкидлашмоқда. Мудофаа вазирлиги эса ушбу масалага, аниқроғи, ўқотар қуроллардан фойдаланиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда. Негаки, мамлакат Конституцияси Япония қуролли кучлари фақат тинчлик мақсадларини кўзлаб фаолият юритишини назарда тутади. Ҳатто япон армиясининг чет эллардаги қуролли можароларда қатнашишини тақиқлайди. 2004 йили коалиция кучлари таркибида хизмат қилиш учун Ироққа жўнатилган 600 япон аскари қуролли можароларда иштирок этмади, балки мамлакатни қайта тиклаш ишларига кўмак берди. Ўтган йили эса барча аскарлар ўз миссиясини якунлаб, ҳеч қандай йўқотишларсиз ўз ватанига қайтдилар.

ЯХШИ РИВОЖЛАНМАГАН

МАМЛАКАТ ДЕЯ ТАН ОЛИНДИ

«BBC News» тарқатган ахборотда қайд этилишича, Буюк Баританиянинг «Кичик бизнес федерацияси» («The Federation of Smail Businesses») ўз ҳисоботини эълон қилди. Унда Ғарбий Европадаги аҳолиси 9 миллионгача бўлган кичик мамлакатлар ичида Шотландия яхши ривожланмаётган мамлакат сифатида тилга олинди.

«The Federation of Smail Businesses» Ғарбий Европадаги Норвегия, Исландия ва Ирландия сингари мамлакатлар иқтисодиётини ҳам ўрганиб, индексациялади. Хулосалар иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлиги даражаси, соғлиқни сақлаш ва таълим сифатига қараб белгиланган.

Дарвоқе, бошқа мамлакатларга қараганда, Шотландияда одамларнинг умр кўриш даражаси ҳам паст экан.

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ДОЦЕНТ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ (АССИСТЕНТ) ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Инглиз тили ва адабиёти (1) кафедраси доценти лавозимига.

Ўзбекистон тарихи (1),

Информатика ва математик моделлаштириш (1) кафедралари катта ўқитувчилик лавозимига.

Ўзбек тилшунослиги (1),

Инглиз тили ва адабиёти (1),

Мусиқа (1),

Амалий математика ва информатика (1),

Умумтехника фанлари ва меҳнат (1),

География (1),

Маънавият асослари кафедралари ўқитувчиси (ассистент) лавозимларига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. ***Ректор номига ариза;***
2. ***Шахсий варақа;***
3. ***Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида дипломларнинг нусхалари;***
4. ***Илмий ишлари рўйхати;***
5. ***Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.***

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Телефон: (8.375) 225-34-13, 225-62-92,
факс: 225-57-01.

Капенгаген манзаралари

ГУАНТАНАМО ҚАМОҚХОНАСИ

ЁПИЛИШИ ТАРАФДОРИ

АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл Америка маъмуриятини Гуантанамодаги ҳарбий база қамоқхонасини ёпишга чақирди. У ерда сақланаётган сиёсий маҳбуслар эса АҚШ ҳудудига жўнатилиши, уларнинг жиноий ишлари фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Терроризмга алоқадорликда гумон қилиниб, қамоққа олинган бу маҳбусларга адвокат танлаш ва суд тизими кафолатларидан фойдаланиш имконини бериш кераклиги ҳақида гапирди, дейилади «LA Times» тарқатган хабарда.

Пауэллнинг айтишича, бугунги кунда Америкада икки миллионга яқин маҳбус қамоқхоналарда сақланмоқда. Улар қонун кафолатларидан фойдаланади. Гуантанамодаги маҳбуслар эса бундай имкониятдан маҳрум. Балки бу кимларгадир қўл келар, негаки, айрим етакчилар йўл қўйган хатоларини яшириш учун ҳам шундай қилаётгандир. Бироқ бу фойда эмас, зарар келтиради.

МЕДУЗАЛАР БОСҚИНИ БОИС

ЧЎМИЛИШ ҲАВЗАЛАРИ ЁПИЛДИ

Форс кўрфазининг Бирлашган Араб Амирликлари соҳилларида медузалар кўпайиб кетганлиги боис одамлар хавфсизлигини ўйлаб, бу ердаги чўмилиш ҳавзалари вақтинча ёпилди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир этиши турган гап. Негаки, туризмдан келадиган фойда қисқариши мумкин. Бу ҳақда «Галф Ньюс» газетаси хабар тарқатди.

Ҳозир чўмилиш ҳавзаларига одамларни огоҳлантирувчи қизил байроқчалар осиб қўйилди, бундан ташқари, полиция ҳам чўмилувчиларни огоҳлантирмоқда.



Яна саноқли кунлардан сўнг, пойтахтимизда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» мусобақалари республика финал босқичи бошланади.

«СОВРИНДОРЛАР САФИДА БЎЛАМИЗ»

— ДЕЙИШМОҚДА НАМАНГАНЛИК СПОРТЧИ-ТАЛАБАЛАР

Спортнинг ўн икки тури бўйича ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақага Наманган вилояти талаба-ёшлари ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Баҳсларда қатнашадиган вилоят терма жамоаси асосини Наманган давлат университети талабалари ташкил этади. Мусобақа дастуридан жой олган стол тенниси, шоҳмот турлари бўйича Наманган муҳандислик-педагогика институти, қизлар ўртасида ўтадиган баскетбол ҳамда волейбол баҳсларида эса Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти вакиллари вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

— Ёдингизда бўлса, талаба-спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида вилоятимизда ўтган «Универсиада-2000»да олтин, 2002 (Бухоро) ҳамда 2004 йил (Самарқанд) ўтказилган мусобақаларда бронза медалларини қўлга киритишган эди, — дейди Наманган давлат университети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Қаҳрамон Асқаров. — Тошкентда ўтадиган мусобақаларда ҳам талабаларнинг юқори кўрсаткичларга эришишлари учун жиддий тайёргарлик кўрилди. Юқори савияда ташкил этилган мусобақаларнинг дастлабки икки босқичида университетимиз йигит-қизлари фаол иштирок этишди. Талабаларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт заллари қайта таъмирланди, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари, шунингдек, ўн миллион сўмлик янги кураш гилами харид қилинди. Вилоятдаги мавжуд учта олий таълим муассасаси спортчилари ўртасида ўтказилган баҳсларда спортнинг ўнта тури бўйича университетимиз талабаларининг ғолиб чиққанлиги ҳам бу соҳадаги ишларимиз ижобий йўлга қўйилганлигини кўрсатиб турибди.

— Бундан уч йил олдин Самарқандда ўтган «Универсиада-2004» мусобақаларида футбол бўйича кумуш медалга сазовор бўлгандик, — дейди НамДУнинг педагогика факультети жисмоний маданият бўлими IV курс талабаси Абдулазиз Султонов. — Бу гал Тошкентда ўтадиган баҳсларда фақат юқори ўринни эгаллаш учун майдонга тушамиз. Тўғри, ушбу нуфузли мусобақада Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳамда мезбонлар жамоалари ҳам бир қатор номдор футболчиларга эга. Аммо, жамоамиз таркибида Шуҳрат Мирхолдиршоев («Машъал» Муборак), Санжар Асқаралиев («Нефтчи» Фарғона), Шерзод Жўраев («Андижон-ЎзДЭУавто») сингари моҳир футболчиларнинг борлиги бизни фақат ғалабага ундайди.

Миллий спорт тури — белбоғли кураш бўйича мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда эришаётган ютуқларида наманганлик полвонларнинг ҳам ҳиссаси бор. Айни пайтда мураббий Нуриддин Ғозиев раҳбарлигида «Универсиада — 2007» мусобақаларига ҳозирланаётган талабаларнинг асосий қисми Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари саналади.

— Етти вазн тоифасида ўтказиладиган мусобақаларда деярли барча полвонларимиз медаллар учун кураш олиб боришади, — дейди мураббий Нуриддин Ғозиев. — Улардан айниқса, «Универсиада — 2004» мусобақалари ғолиблари Жаҳонгир Абдулҳаев (66 кг.), Рустам Умаров (73 кг.), ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Ҳикмат Асқаров (+90 кг.)лардан умидимиз катта.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *наманганлик талаба-ёшлар машғулотлар пайтида.*

Хотира муқаддас

СЎЗ САНЪАТИГА ЭҲТИРОМ

Абдулла Қаҳҳор миллионлаб ўзбек китобхонлари қалбидан муносиб жой эгаллаган, меҳрини қозонган ижодкорлардан бири эди. Юртимизда унинг асарлари кириб бормаган хонадон топилмаса керак.

Айниқса, устоз сўзга, сўзнинг қадрига бениҳоя катта эътибор берарди. Шунинг учун бўлса керак, Абдулла Қаҳҳорда ўзбек тилининг софлиги ва беғуборлигини ҳимоя қилишга интилиш кучли бўлган. Табиийки, у яратган ажойиб асарлар ўзбек адабиётининг бебаҳо дурдоналари сифатида бугун ҳам эътироф этилади.

Қибрай туманида бўлиб ўтган хотира кечасига таниқли ижодкорлар, олимлар, қаламкашлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари жамулжам бўлишди. Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов кириш сўзи билан очиб, устоз билан боғлиқ хотиралари ва ижодкорнинг умрбоқий асарлари ҳақида тўхталди.

— Устоз ижодга жуда талабчанлик билан ёндашардилар, — деди Абдулла Орипов. — Мен у кишининг ҳар бир асар устида ниҳоятда жиддий ва эринмай қайта-қайта ишлаганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Абдулла Қаҳҳор энг аввало ўзига ўзи талабчан одам эди. Бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Устоз айнан мана шу Қибрай туманида, Дўрмонда ижод қилишни жуда хуш кўрган. Унинг энг яхши асарлари ҳам шу ерда дунёга келган.

Шундан сўнг туман ҳокими Шокир Тоҳиров, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Нўъмон Насимов, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ва бошқалар сўзга чиқиб, буюк адиб ҳақидаги ёрқин хотираларини баён этдилар. Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Маҳмуд Тоир ҳамда Азим Суюн, Усмон Беклар Абдулла Қаҳҳорга бағишлаб ёзган ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Ашурали БОЙМУРОД

Янги китоб

ЁРУҒЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ёшлигимда уйимиз айвонида уззу-кун «гапириб» турадиган радиода сиёсий шарҳловчиларнинг чиқишини жон-қулоғим билан тинглардим. Муҳокама қилинаётган мавзулар моҳиятини тушунмасамда, уларнинг ўзаро баҳслашиши, айниқса, Талъат Солиевнинг дадил ва холис фикр-мулоҳазалари мени кўпроқ қизиқтирарди. Шу-шу кўнглимда шарҳловчиларнинг иш фаолияти, ҳаёти ҳақида кўпроқ билиш истаги пайдо бўлган...

Журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимизда шарҳловчилик санъати ҳақида турли назарий материалларни ўргандик, адабиётлар билан танишдик. Лекин барибир бу нозик соҳа вакиллари кузатувлари, тажрибалари мужассам бўлган қўлланмага эҳтиёж сезиларди. Яқинда таниқли журналист ва публицист Талъат Солиевнинг «Шарҳловчининг йўли» номли китоби нашрдан чиқди. Уни биринчилар қатори ўқиб чиқиб, юқорида таъкидланган қўлланма манбаи шу эканлигига амин бўлдим.

Бу китобни мутолаа қилган ҳар бир киши кўзи олдида, аввало, инсон ҳаётининг қийинчиликлари, машаққатлари, синовлари ва тинимсиз меҳнат ортидаги шукроналик, бугунги куннинг қадри гавдаланади. Муаллиф дастлаб, «Мустақиллик туфайли лицейимиз ташкил этилди, ўқитувчиларимиз дунёнинг ривожланган мамлакатларида тажриба орттириш имкониятига эга бўлдилар, — дейди академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди Гулайда Қаллибекова. — Хусусан, инглиз ва рус тили фанлари ўқитувчилари Т.Ерназаров ва Ан Марина яқинда Кореяда бўлиб, ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бу эса хорижий тажрибаларни ўзимизнинг лицейда қўллаш имкониятини берди.

Ўқувчиларимиз ҳам устозларидан ўрнак олган ҳолда бир қатор танлов ва олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Масалан, Айгул Тажимуратова, Азиза Артикова, Саламат Ерниёзов, Мийирбек Қилишбоев каби ёшларимиз енгил атлетика, каратэ, муай-тай бўйича спорт мусобақаларида ғолиб бўлишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: академик лицей ҳаётидан лавҳа.

тақилликнинг сержило ёғдуси» деб номланган бобда халқимиз йиллар давомида орзиқиб кутган истиқлол, унинг шарофати билан кейинги 16 йил ичида қўлга киритилган ютуқлар, мамлакатимиз равнақи йўлида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида назар ташлайди. Худди, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб давлатлари тарихи, сиёсати билан яқиндан таниш бўлган шарҳловчи истиқлол туфайли ўзбек давлати жаҳон харитасида ўзига хос ва мос ўринга эга бўлганлигини аниқ мисол ҳамда далиллар орқали ифодалаб беради.

Дунёда кечаётган зиддиятлар, турли сиёсий ўйинлар, уруш ва тинчлик ҳақида сўз айтиш, фикр билдириш шарҳловчидан катта масъулият, холисликни талаб қилади. Чунки ҳар бир айтилган сўз ортида бутун бир мамлакат, миллат ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати туради. Талъат Солиев ана шу фалсафани тўғри англаган ҳолда сўз айтиш санъати ҳақидаги мулоҳазаларини ҳаётий мисолларда ўқувчига етказиб бера олган.

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Унинг қадрига етиш эса бугуннинг долзарб вазифаси. Буни яхши англаган ижодкор тинчлик ҳақидаги ўз қарашларини йиллар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалари орқали китобхон кўз олдига келтиради. «Шарҳловчининг йўли» нафақат журналистлар, балки кенг китобхонлар оммаси учун ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист ва адиб Мақсуд Қориев ёзган сўзбошида «Асарни ҳаяжонланмай, тўлқинланмай ўқиб бўлмайди. Чунки юракдан чиққан сўзлар юракка тез етиб боради», деган фикрни билдиради. Ҳақиқатда асардаги худди ана шу туйғулар ҳар қандай ўқувчини ўзига мафтун этади. Муаллиф ёзганидек, ҳар қандай китоб одамни ёруғликка етаклайди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

«ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН»

Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Тошкент: кеча ва бугун» мавзуидаги кўргазма ташкил этилди.

Унда турли тарихий даврларни ўз ичига олган хариталар, осориатиқалар, меҳнат қуроллари, тарихий ашёлар билан бирга Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бири — «Усмон масъҳафи»нинг факсимиль нусхаси, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари қўлёзмаси, Алишер Навоийнинг «Чор девон» асарининг XVII асрдаги қўлёзмаси каби нодир китоблар, миниатюра асарларидан намуналар намойиш этилмоқда. Айни пайтда пойтахтимиздаги Бароқхон, Қалдирғочбий, Юнусхон мақбаралари каби меъморий ёдгорликларнинг тарихи, турли йиллардаги фотосуратлари, қимматли ҳужжатлар, хариталар билан танишиш мумкин.

Кўргазманинг Тошкентнинг бугунги кунига бағишланган қисмида эса азим шаҳарда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ўз ифодасини топган ранг-баранг экспонатлар намойиш этилмоқда.

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бокс

Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда ҳаваскор боксчилар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлати «чарм қўлқоп» усталари қатнашган ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида учта олтин, иккитадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

УЧТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ ВА ИККИТА БРОНЗА МЕДАЛИ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Шу кунларда Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи муҳим турнирларга ҳозирлик кўраётган боксчиларимиз учун мазкур Осиё чемпионати ўзига хос синов вазифасини ўтади. Унда ўз вазн тоифаларида Элшод Расулов (75 кг.), Аббос Отаев (81 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.)лар барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар. Орзубек Шоимов (54 кг.), Беҳзод Хидиров (60 кг.)лар кумуш, Олимжон Назаров (48 кг), Жасур Матчонов (91 кг)лар эса бронза медаллари билан тақдирланди.

РАҚИБЛАР АНИҚ

Beijing 2008

Кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда футбол бўйича Пекин олимпиадаси саралаш учрашувлари Осиё минтақаси учинчи босқич баҳсларига қуръа ташланди.

Хабарингиз бор, ҳал қилувчи босқичга қитъамизнинг ўн икки терма жамоаси йўлланмани қўлга киритган эди. Пекин олимпиадасида иштирок этиш эса ана шу жамоалардан учтасига насиб этади. Қуръага кўра, қатнашчилар уч гуруҳга бўлиниб, уй-сафар тизими асосида баҳс юритишади.

Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси мусобақанинг **«В» гуруҳидан** жой олган. Унда ҳамюртларимиз ягона йўлланма учун Жанубий Корея, Баҳрайн ҳамда Сурия футболчилари билан куч синашади.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўриниш олган: **«А» гуруҳи.** Ироқ, Ливан, КХДР, Австралия. **«С» гуруҳи.** Япония, Саудия Арабистони, Қатар, Вьетнам Олимпия терма жамоалари.

Баркамол авлод орзуси

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

Истиқлолнинг илк ислоҳотлари таълим тизимига қаратилгани бежиз эмас. Чунки баркамол авлодни камол топтириш, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари ҳаммамизнинг орзуимиз. Ана шу эзгу ниятларни рўёбга чиқариш мақсадида юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Улар эса шубҳасиз, бугунги замон ёшлари тарбиясида янгича мазмун ва моҳият касб этмоқда. Шундай даргоҳлардан бири — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицейи ҳисобланади.

Айни пайтда бу ерда 555 нафар ўқувчи ижтимоий-гуманитар, хорижий филология, аниқ ва табиий фанлар йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда. Уларга 70 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

— Мустақиллик туфайли лицейимиз ташкил этилди, ўқитувчиларимиз дунёнинг ривожланган мамлакатларида тажриба орттириш имкониятига эга бўлдилар, — дейди академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди Гулайда Қаллибекова. —

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш масъул ходими Собир Қурбоновга укаси
Содиқ ҚУРБОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги «Юлдуз» кичик корхонаси жамоаси тадбиркор Холбой Рамазоновга волидаи муҳтарамаси
Шаҳар момонинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.15
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda